

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АБЗАЛОВА МУНИСА ЯКУПДЖАНОВНА

**БОЛАЛАРДА ЎТКИР АППЕНДИЦИТ ВА УНИНГ
АСОРАТЛАРИНИНГ КОМПЛЕКС УЛЬТРАТОВУШ ТАШХИСОТИ**

14.00.19 – Клиник радиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ –2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Абзалова Муниса Якупджановна

Болаларда ўткир аппендицит ва унинг асоратларининг комплекс
ультратовуш ташхисоти..... 3

Абзалова Муниса Якупджановна

Комплексная ультразвуковая диагностика острого аппендицита и
его осложнений у детей..... 25

Abzalova Munisa Yakupdjanovna

Complex ultrasound diagnostics of acute appendicitis and its
complications in children..... 48

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ–АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АБЗАЛОВА МУНИСА ЯКУПДЖАНОВНА

**БОЛАЛАРДА ЎТКИР АППЕНДИЦИТ ВА УНИНГ
АСОРАТЛАРИНИНГ КОМПЛЕКС УЛЬТРАТОВУШ ТАШХИСОТИ**

14.00.19 – Клиник радиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ –2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Tib1370 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.cancercenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот–таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Юсупалиева Гулнора Акмаловна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Фазилов Акрам Акмалович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Рустамова Умида Мухтаровна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий–амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383 уй. Тел.: (+99871) 227–13–27; факс: (+99871) 246–15–96; e-mail: info@cancercenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий–амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383 уй. Тел.: (+99871) 227–13–27; факс: (+99871) 246–15–96.)

Диссертация автореферати 2022 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Н. Тилляшайхов

Илмий даражалар берувчи Бир марталик Илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.А. Адилходжаев

Илмий даражалар берувчи Бир марталик Илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Х. Ходжибеков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ўткир аппендицит (ЎА) бугунги кунда қорин бўшлиғи аъзолари касалликлари ичида энг кўп учрайдиган касаллик бўлиб, аҳоли орасида 1000 тадан 2-5 та ҳолатда учрайди. Бугунги кунда ўткир аппендицит касаллиги камайишга қарамасдан «...аппендэктомия энг кўп ўтказиладиган жарроҳлик амалиёти бўлиб, нашр этилган маълумотларга кўра шошилиш жарроҳлик аралашувларининг 20%дан 85%гачасини ташкил этади...»¹. ЎА ташхисотидаги хатоликлар стационар кузатув ва даволаш шароитида 15-25%га, шифохонагача бўлган босқичда 70%га етади. Уч ёшгача бўлган болаларда аппендицит жуда кам учрайди 3–7%, 1 ёшгача 0,9–1%, 3 ёшдан кейин касалланиш даражаси ортади ва 9–11 ёшга келиб чўққига етади. ЎА бўлган беморларда ўлим кўрсаткичи 0,1–0,3%ни, чувалчангсимон ўсимтанинг атипик жойлашувида 1,2%га етиши мумкин. Мазкур касалликда ташхисот ва даволаш тактикасининг кўплаб масалалари, шу жумладан бирламчи клиник ва лаборатор усуллар яхши ишлаб чиқилган, бироқ шу билан бир вақтда визуализация усуллари қўллаш билан ўтказиладиган тасдиқловчи эрта ташхисот тўғрисидаги маълумот етарли эмас. Ҳозирги пайтда болаларда ўткир аппендицитнинг замонавий ташхисоти муаммоларининг ечими кўпроқ тиббий визуализациянинг ноинвазив усуллари, улардан бири ультратовуш текширувидир, бироқ, бугунги кунда болаларда чувалчангсимон ўсимта яллиғланишининг турли шакллари замонавий ташхислаш усул имкониятлари етарли ўрганилмаган ва тиббий радиологиянинг долзарб муаммоларидан биридир.

Жаҳонда болаларда ўткир аппендицит ва унинг асоратларининг комплекс ультратовуш ташхислаш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада болаларда чувалчангсимон ўсимтанинг комплекс эхографик текшируви В-режим, доплерография технологияларини такомиллаштириш, чувалчангсимон ўсимта комплекс эхографик анатомиясини, ўткир аппендицит ва унинг асоратларини клиник шаклига боғлиқ ҳолда комплекс эхографик семиотикасини батафсил ташхислаш ҳамда болаларда ўткир аппендицит ва унинг асоратларини комплекс эхографик текшируви (В-режим, доплерография) имкониятлари ҳамда ташхис информативлигини баҳолаши самардорлигини белгилашга қаратилган илмий изланишларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, турли шошилиш касалликларини камайтиришга қаратилган вазифалар юклатилган. «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг

¹ World Health Organization. International Classification of Functioning Disability and Health., 2018; Розин В.М. и др. Федеральные клинические рекомендации, 2018.

самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалари белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда болаларда ўткир аппендицит ва унинг асоратларининг комплекс ультратовуш ташхислаш ва башаротлашга қаратилган йўналишдаги илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида» фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ–2866-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 25 январдаги ПФ-3494-сон «Тез тиббий ёрдам тизимини тезкор такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Комплекс эхография ёрдамида ўткир аппендицитнинг муваффақиятли ташхисоти тўғрисидаги биринчи хабарда чувалчангсимон ўсимта визуализациясининг ўзи касалликнинг ягона ташхис омили эканлигига қарамасдан, кейинчалик тадқиқотчилар уни меъёрда ҳам визуализациясини амалга оширишди. Дарҳақиқат, ўзгармаган аппендикуляр ўсимтани муваффақиятли визуализациясининг даражаси тўғрисида маълумотлар турли тадқиқотчиларда фаркланади- 0% дан 40% гача ва ҳатто 82% ҳолатни ташкил этади. Болаларда ўнг ёнбош соҳаси хирургик анатомиясининг ўзига хос томонларини ўрганиш ҳам ўткир аппендицит ташхисотида, ҳам жарроҳликда катта амалий аҳамиятга эга. Бу соҳада болаларда бир қатор касалликлар: туғма ривожланиш нуқсонлари, инвагинация, ўсмалар, яллиғланиш жараёнлари кузатилиши мумкин эканлиги билан тушунтирилади. Замонавий жарроҳликда эришилган муваффақиятларга қарамай, амалиётда ўткир

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

аппендицига ўз вақтида ташхис қўйишга тўсқинлик қилувчи кўп сонли патологик ҳолатлар долзарб муаммолигича қолмоқда. Бу касалликда ташхис хатолиги 15% дан 25% гача ва ундан юқори бўлиб, кўплаб даволаш муассасаларида ўзгармаган чувалчангсимон ўсимтани олиб ташлаш ҳолатлари сони ҳозиргача 20-30%ни ташкил этмоқда (Махтиев Б.М., 2017; М.В.Турбин ва бошқ., 2018). Ўткир аппендицит кечувининг турлитуманлиги, ўз-ўзини даволаш ва тиббий ёрдамга ўз вақтида мурожаат этмаслик, ташлаб қўйилган ҳолатларда оғир асоратлар бўлиши, кўплаб соҳадаги шифокорлар учун махсус амалий аҳамиятга эга бўлган ушбу патологияни ўрганишга кўпроқ вақт ажратишга мажбур этади (Буров И.С. ва ҳаммуал., 2018). Бундай тўсиқлардан ўтиш учун бир нечта тадқиқотчилар клиник баҳолаш тизимини ишлаб чиқишди. Бу балли тизимдан клиник ечимни қабул қилишга ёрдам беришда фойдаланилади. Болаларда ўткир аппендицитни баҳолаш тизими (Alvarado Pediatric Appendicitis Scoring System (APASS); McKay R., Shepherd J., 2007; Raja Isteri Pengiran Anak Saleha Appendicitis (RIPASA) (Jung J.Y., Na J.U., Han S.K., Choi P.C., Lee J.H., Shin D.H., 2018) шундай баҳолаш тизимига мисол бўлади. Альварадо баҳолаши аппендицитга шубҳа бўлган (одатда қориннинг ўнг пасти квадрантида оғрик) исталган ёшдаги беморларга тавсия қилинсада, у шунингдек, анамнез ва физикал текширув натижаларини тўлдириб тасдиқловчи лаборатор маълумотларни талаб этади.

Ўзбекистонда болалар ва катталардаги жаррохлик касалликларни самарали ташхислаш ва даволаш борасида (Арипов Ў.А., Алиев М.М., Акилов Х.А., Каримов Ш.И., Назиров Ф.Г., Шамсиев А.М., Эргашев Н.Ш., 2020) қатор ишларни бажаришган, ўткир аппендицитни В-режимда ташхисоти ва даволашини тартиби ишлаб чиқилган (Абдусаматов Б.З., 2010), бироқ, болаларда ўткир аппендицит ва унинг асоратларининг комплекс ультратовуш ташхислаш тизими ишлаб чиқилмаган.

Ҳозирги вақтда, ўткир аппендицит бўлган болаларда чувалчангсимон ўсимта ҳолатини баҳолашда комплекс ультратовуш текширувининг юқори ташхис аниқлиги ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Олиб борилган тадқиқотларга қарамай, бугунги кунда болаларда ўткир аппендицит ва унинг асоратлари ташхисотининг оптимал тактикаси ишлаб чиқилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 03.191 №01980006703 «Болаларда туғма ва орттирилган касалликларни диагностикаси, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштириш» мавзуси доирасида бажарилган (2018-2022 йй).

Тадқиқотнинг мақсади болаларда ўткир аппендицит ва унинг асоратлари ташхисотини замонавий ультратовуш текширувларидан фойдаланган ҳолда такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

болаларда чувалчангсимон ўсимтанинг комплекс эхографик текшируви (В-режим, доплерография) технологияларини такомиллаштириш;

болаларда чувалчангсимон ўсимта комплекс эхографик анатомиясини ўрганиш;

болаларда ўткир аппендицит ва унинг асоратларини клиник шаклига боғлиқ ҳолда комплекс эхографик семиотикасини батафсил ташхислаш;

болаларда ўткир аппендицит ва унинг асоратларини эхографиянинг В-режими ва доплерографиянинг имкониятлари ҳамда ташхис информативлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг шифохонасида 2017-2020 йиллар давомида текширувлардан ўтказилган ва даволанган 3 ёшдан 18 ёшгача 288 нафар бола, жумладан, 236 нафар ўткир аппендицит ва унинг асоратлари бўлган болалар ҳамда 52 нафар амалий соғлом болалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида клиник кўринишнинг хусусиятлари, лаборатория ва комплекс эхографиянинг (В-режим ва доплерография) натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот бажарилишида клиник-лаборатор текширув усуллари билан бир қаторда комплекс ультратовуш, МСКТ, МРТ, морфологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

болаларда чувалчангсимон ўсимтанинг комплекс ультратовуш ташхисотининг, В-режимдаги, рангли ва энергетик доплер текширувларини ўз ичига олган, ўткир аппендицитни қиёсий ташхислаш имконини берувчи такомиллашган технологияси ишлаб чиқилди;

болаларда ўткир аппендицит турли клиник шакллариининг ушбу патологияда чувалчангсимон ўсимта фазали морфологик ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда комплекс эхографик семиотикаси, яъни ўсимта диаметрининг, девор қалинлигининг, девор қаватлилигининг ва ригидлигининг ўзгаришлари асосланди;

В-режим ва доплер тартибларида (РДК ва ЭД) болаларда ўткир аппендицит ва унинг асоратларига характерли бевоста (ЧЎ деворида қон оқимининг ўзгариши) ва билвосита (ЧЎ атроф тўқимасида қон оқимининг ўзгариши) ультратовуш белгилари асосланди;

болаларда ўткир аппендицит ташхисини қуйишда янги ишлаб чиқилган, модификацияланган клиник-лаборатор-эхографик ташхис шкаласи, ушбу касаллик асоратларини эрта аниқлаш, ҳамда операциягача бўлган босқичда хулоса олиш имконини берди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

болаларда ўткир аппендицит ва унинг асоратларида чувалчангсимон ўсимтани аста-секин компрессиялашнинг такомиллаштирилган кадамма-кадам услуги таклиф этилган;

болаларда ўткир аппендицит ва унинг асоратларини ультратовуш семиотикаси батафсил ўрганилган;

ультратовуш семиотикаси тизимлаштирилиши, болаларда касаллик шаклини ташхислашда ёрдам берувчи патологик жараённинг етакчи (асосий) ва билвосита белгилари ажратилган;

болаларда ўткир аппендицитнинг турли шакллари ва унинг асоратлари ҳамда оқибатларини эрта аниқлашда комплекс эхографиянинг имкониятлари ташхисланган;

болаларда ўткир аппендицит ҳамда унинг асоратларини эрта ва қиёсий ташхислаш учун комплекс ультратовуш текширувларини қўллаш самарадорлиги исботланган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник-лаборатор текширув усуллари билан бир қаторда комплекс ультратовуш, МСКТ, МРТ, морфологик ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, болаларда ўткир аппендицит ва унинг асоратларининг комплекс ультратовуш ташхисоти баҳолашни такомиллаштиришда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Текширув натижаларининг илмий аҳамияти ўзининг назарий ўрнига эга бўлиб, болаларда чувалчангсимон ўсимта жойлашувининг ёш ва жинсга боғлиқ вариантлари ҳамда ультратовуш анатомиясини, болаларда ўткир аппендицит турли шакллари эхографик семиотикаси ўзига хос томонларининг жарроҳлик аралашуви ва гистологик текширув натижалари билан қиёслаган ҳолда хронобиологик жиҳатини баҳолаш тизими яратилганлиги, эхографик хулосани объективлаштиришга кўмак берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий қиймати олиб борилган таҳлил болаларда ўткир аппендицитни ташхислашда чувалчангсимон ўсимтани комплекс эхографик текширувларни ўтказишнинг клиник аҳамияти ва мақсадга мувофиқлигини асослаш, болаларда чувалчангсимон ўсимтани такомиллашган қадамма-қадам комплекс эхографик текширув усули аппендиксининг топик ташхисоти ва унинг яллиғланиш шаклини баҳолашга ёрдам бериш ҳамда касалликнинг ноаниқ клиник кечишида муҳим аҳамиятга эгалиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болаларда ўткир аппендицит ва унинг асоратларининг комплекс ультратовуш ташхисоти бўйича олинган натижалар асосида:

турли касалликларнинг натижасида юзага келган ўткир аппендицитни самарали ташхислаш орқали «Болаларда ўткир аппендицит ва унинг асоратларини комплекс ультратовуш ташхисоти» номли услубий тавсиялари ишлаб чиқилди (Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 2020 йил 02 октябрдаги 8н-р/304-сон хулосаси). Таклиф этилган тавсиялар болаларда ўткир аппендицит ва унинг асоратларини нур текширув усуллари асосланиб ишончли ташхисот ўтказишга имкон берди.

болаларда ўткир аппендицит ва унинг асоратларининг комплекс ультратовуш ташхисот комплекс эхографияни асослаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, Сирдарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази нур ташхисоти бўлими амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 2020 йил 30 ноябрдаги 8н-д/215-сон хулосаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга тадбиқ этилиши ташхис жараёни муддатининг қисқартириш, болаларда ўткир қорин патологиясининг тарқалишини топиш аниқлигини оширишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот ишининг натижалари 6 та илмий-амалий анжуман, жумладан 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болаларда ўткир аппендицит ва унинг асоратларини ташхислашнинг долзарб муаммолари**» деб номланган биринчи бобида болаларда ўткир аппендицит ташхисоти бўйича адабиёт манбалари шарҳланган. Болаларда чувалчангсимон ўсимта ўткир яллиғланишининг эпидемиологияси, этиологияси, комплекс ультратовуш ташхисоти, оқибатини аниқлашда ультратовуш усулларининг ўрни, шунингдек, асоратларини ўз вақтида аниқлаш муаммолари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Ўткир аппендицит касаллигини олдини олиш, самарали даволаш ва коррекциялаш мақсадида принципиал муаллифлик ёндошув ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Клиник материал тавсифи ва текшириш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида 2017-2020 йилларда 288 та текширилган болаларда (улардан 52 таси қиёсий гуруҳни ташкил этувчи амалий соғлом болалар, шунингдек, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси қабул

бўлимига ўткир абдоминал оғриқ билан келган 236 та бола) клиник характеристика ва текширув усуллари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Беморларнинг асосий контингенти 3 ёшдан 18 ёшгача бўлиб, ўткир аппендицитнинг барча шаклларида кўпроқ ўғил болалар - 175 (60,8%), қизлар эса 113 (39,2%)ни ташкил этган (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Ўткир аппендицит ва унинг асоратлари бўлган болаларни ёш, жинс ва касаллик шаклига кўра тақсимлаш (n=236)

| Ёш (йил) | 3 - 6 | | | 7 - 11 | | | 12 - 18 | | | ЖАМИ | | | |
|---------------------------------|-------|---|-----|--------|----|------|---------|----|------|------|----|-----|------|
| | м | д | % | м | д | % | м | д | % | м | д | п | % |
| Катарал аппендицит | - | - | - | 4 | 3 | 2,9 | 4 | 7 | 4,7 | 8 | 10 | 18 | 7,6 |
| Флегмоноз аппендицит | 6 | 1 | 2,9 | 38 | 21 | 25,0 | 38 | 40 | 33,3 | 82 | 62 | 144 | 61,2 |
| Гангреноз аппендицит | - | - | - | 11 | 6 | 7,2 | 11 | 10 | 8,9 | 22 | 16 | 38 | 16,1 |
| Гангреноз-перфоратив аппендицит | 4 | 2 | 2,5 | 5 | 4 | 3,8 | 7 | 3 | 4,3 | 16 | 9 | 25 | 10,6 |
| Аппендикуляр инфилтрат | - | - | - | 1 | - | 0,4 | 1 | 1 | 0,8 | 2 | 1 | 3 | 1,2 |
| Периаппендикуляр абсцесс | 1 | - | 0,4 | 2 | 1 | 1,3 | 2 | - | 0,8 | 5 | 1 | 6 | 2,5 |
| Аппендикс эмпиемаси | - | - | - | - | - | - | 2 | - | 0,8 | 2 | - | 2 | 0,8 |
| Жами | 11 | 3 | 5,8 | 61 | 35 | 40,6 | 65 | 61 | 53,6 | 137 | 99 | 236 | 100 |

Назорат гуруҳига 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган 52 та бола киритилган. Улардан 38 таси ўғил болалар (73,1%) ва 14 таси (26,9%) қиз болалар бўлган. Чақалоқлик даврининг ўзига хос томонлари ва болаларни бу ёшда текширув қийинчиликларини инобатга олиб, назорат гуруҳига бу ёш давридаги болаларни кўшмасликка қарор қилинди. Клиник текширувда патология аниқланмаган ҳамда қоннинг клиник таҳлил кўрсаткичлари меъёр чегарасида бўлган амалий соғлом болалар тадқиқотга киритилган.


Ўткир аппендицит бўлган болаларда аппендикс жойлашуви типик (ўнг ёнбош соҳада) - 207 (87,6 %) ҳолатда, ретроцекал - 16 (6,8 %), жигар ости - 2 (0,8 %), медиал - 3 (1,7%), латерал жойлашув - 6 (2,5 %) ва тос соҳасида - 2 (0,8%) ҳолатларда баҳоланди.

Ўткир аппендицит бўлган болалар шикоятлар билан шифохонага 12 соат ичида - 110 (46,6%) ҳолат, 12 дан 24 соатгача - 49 (20,8%), 24 - 48 соатда - 43 (18,2%), 48 соат ва ундан кўп вақтда - 34 (14,4%) олиб келинган.

Диаграмма 1

Ўткир аппендицит бўлган болаларни касаллик давомийлигига

кўра тақсимланиши



Касалликнинг клиник белгилари бошлангандан биринчи 12 соат ичида (15) 83,3% болаларда ЎАнинг катарал шакли, (93) 81,5% болаларда – флегмоноз шакли, (2) 5,3% ҳолатда – гангреноз шакли аниқланган. Кейинги 12 соат ичида ЎАнинг катарал шакллари камайиб, ЎАнинг деструктив шакллари ортиб бориши кузатилди. Бир суткадан ортиқ вақт ўтишида чувалчангсимон ўсимта яллиғланишининг фақат деструктив шакллари қайд этилган. Клиник белгилар бошлангандан 24 соат ўтгандан кейин олиб келинган болаларда флегмоноз ва гангреноз аппендицит аниқланган.

Тадқиқот усуллари. Болаларда ўткир аппендицит ташхисини қўйишда умумий қабул қилинган клиник-лаборатор текширув усулларида ташқари комплекс эхографик текширувлар ўтказилган.

Болаларни текширишда «Sonoscape S22» (Хитой), «Aplio 500» (Япония) стационар ультратовуш аппаратлари ҳамда «Edan Dus» (Хитой) ва «Chison Q5» (Хитой) портатив ультратовуш аппаратлари ёрдамида 3-5 МГцли секторли ва чизиқли датчиклар, зарурият бўлганда батафсил текшириш мақсадида 7-12 МГцли сканерни қўллаган ҳолда умумий қабул қилинган услубда олиб борилиб, қорин бўшлиғи ва қоринпарда орти аъзоларни конвексли датчик ёрдамида кўришдан бошланди. Шундан сўнг ўнг ёнбош соҳа ва унга ёндош соҳалар ҳолати чизиқли датчик ёрдамида баҳоланди, бунда В- режимдаги оптимал визуализацияга эришилди.

Болаларда ноқулайлик ва безовталиқни камайтириш учун, ультратовуш текширувларининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, болаларга иситилган гель ишлатилган ва аста-секин қадамма-қадам компрессия услубига риоя қилиш учун бўш ёки кам тўлдирилган қовуқ талаб этилди. Айрим ҳолларда боланинг ўзи томонидан кўрсатилган максимал оғриқлар нуқтасига ҳам муҳим эътибор қаратилди, чунки у кўпинча яллиғланган аппендикуляр жараённинг локализациясига тўғри келди.

Биз томондан кўшимча олд ва орқа мануал компрессияни қўллаган ҳолда ультратовуш датчиги билан аста-секин қадамма-қадам компрессия қилиш услуги тавсия этилди.

1-қадам: Кўриш зонасидан ингичка ичак қовузлоқларини олиб ташлаш – нормал ичак қовузлоқлари ультратовуш датчиги билан қорин олд деворининг оҳиста эзилиши оқибатида силжийди. Бу қовузлоқлар осон эзилиши ва силжиши керак. Ичак структуралари силжиши ўнг ёнбош чуқурчадаги ёнбош томирлари, шунингдек бел мушагини кўриш имконини беради. Икки текисликдаги сканерлаш (бўйлама ва кўндаланг) ўтказилди.

2-қадам: Кўтариловчи чамбар ичак ва кўричак визуализацияси - кўтариловчи чамбар ичак қориннинг ўнг қисмида перистальтика аниқланмайдиган, ўзида газ ва суюқлик тутувчи структура. Шундан кейин датчик пастки қисмга кўричакка қараб сурилди, бунда ичакдаги газ ва суюқликни чиқариб юбориш мақсадида қайта эзиб, қўйиб юборилди. Шу билан бирга ўнг бел мушагини визуализация қилиш шарт. Ёнбош ичакнинг кўшни учи перистальтика кузатиловчи, эзилувчан структура сифатида идентификация қилиниши керак.

3-қадам: Чувалчангсимон ўсимтани аниқлаш - кўричак текширилгандан сўнг, ундан ёнбош ичак терминал қисмидан алоҳида чиқувчи чувалчангсимон ўсимта визуализацияланади. Чў бутун узунлигича кўриниши керак. Ўзгармаган Чў ташқи деворидан ички деворигача диаметри 6 мм ёки ундан кам бўлиши керак. Унинг девори ингичка бўлиши (3 мм дан кам), ичи бўш ёки газ/фекалий билан тўлган ва эзилувчан бўлиши ҳамда гиперваскуляризация белгилари бўлмаслиги керак.


4-қадам: Ўткир аппендицит белгиларини баҳолаш.

Олинган маълумотларни қайта ишлаш Windows 2008, SPSS Statistics 22 (IBM) дастурлар пакети ёрдамида олиб борилди. Ишончилиқнинг $P < 0,05$ кўрсаткичда бўлиши статистик эътиборли ўзгариш сифатида қабул қилинди. Ультратовуш текшируви информативлиги текширувнинг сезувчанлиги, спецификлиги ва аниқлик каби мезонлар билан тасдиқланди.


Диссертациянинг «**Болаларда чувалчангсимон ўсимтанинг нормал ультратовуш анатомияси ва ўткир яллиғланишининг турли фазаларида эхографик кўринишларнинг натижалари**» деб номланган учинчи бобда назорат (1 гуруҳ) гуруҳидаги 52 амалий соғлом болаларни илмий текширув натижалари келтирилган. Бу гуруҳдаги болаларда чувалчангсимон ўсимтанинг эхографик ўзига хос томонлари ўрганилди. 39 та (75,0%) болада чувалчангсимон ўсимтани аниқлаш имкони бўлди, 13 та (25,0%) текширилувчида ўсимта аниқланмади. Шунингдек, биз томонимиздан болаларда чувалчангсимон ўсимтанинг жинс ва ёшга кўра визуализация частотаси таҳлил қилинди.

Диаграмма 2

Болаларда чувалчангсимон ўсимтанинг жинси ва ёшига кўра ультратовуш визуализацияси



**Ёшга оид кичик гуруҳларда ЧЎ
визуализацияси**



**ЧЎнинг жинсга оид
визуализацияси**

Чувалчангсимон ўсимтанинг визуализация частотаси ва жинс ўртасида корреляцион боғлиқлик ($p > 0,05$) аниқланмади. Ўзгармаган чувалчангсимон ўсимта ўлчамларини ўрганишда (2-жадвалга қаранг) чувалчангсимон ўсимта ўлчамлари ва ёш орасида ҳам корреляцион боғлиқлик аниқланмади, бу эса чувалчангсимон ўсимта болалар ёшига боғлиқ ҳолда камдан-кам равишда ўзгариши тўғрисида хулоса қилишга имкон берди ($p > 0,05$).

2-жадвал


**Ёшга оид кичик гуруҳларда чувалчангсимон ўсимтанинг
ўлчамлари (n = 39)**

| Кичик гуруҳ | Узунлиги, мм | Калинлиги, мм | Кенлиги, мм | Ҳажми, см ³ |
|--------------------------|--------------|---------------|-------------|------------------------|
| 3-6 ёш (n=10) | 32,9*±11,4 | 3,9±0,6 | 4,7*±0,7 | 0,39±0,16 |
| 7-11 ёш (n=18) | 28,5±8,7 | 3,8±0,8 | 4,6±1,2 | 0,24±0,14 |
| 11-18 ёш (n=11) | 29,0±10,2 | 3,5±0,9 | 4,5±1,2 | 0,34±0,18 |
| Барча беморлар (n=39) | 30,1±10,1 | 3,7±0,8 | 4,6±1,0 | 0,32±0,16 |

Эслатма: (*) белгиси билан $p < 0,05$ да ишончли фарқ белгиланган

Оддий (скрининг) ва эксперт ускуналарда параллель олиб борилган текширувлар шуни кўрсатдики, аъзонинг кўриниш характериға нафақат ёшга оид ўзига хосликлар ва бола танасининг вазни, балки ультратовуш қурилмаларининг кўрсатиш имкониятлари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Болаларда чувалчангсимон ўсимтанинг ўткир яллиғланишни турли босқичларида эхографик кўринишлари (клиник-морфологик текширув). Ўткир яллиғланиш турли фазаларининг эхографик кўринишини ўзига хос томонларини ўрганиш ўткир аппендицит моделини танлашда тез-тез касалланиш, хирургик технологияларнинг кўп режали ечими, жарроҳлик йўли билан олиб ташланган чувалчангсимон ўсимтанинг макроскопик ва микроскопик маълумотларини қиёслаш имконияти билан тушунтирилади. Чувалчангсимон ўсимта ўткир яллиғланишининг вақтга доир ўзгаришлари билан боғлиқ патологоанатомик ўзгаришларга оид эхографик белгиларини кўриб чиқиш - ультратовуш текшируви самарадорлигини оширишда муҳим кадам. Ўткир аппендицит бўлган болаларда илмий тадқиқот олиб боришда касалликнинг турли фазаларида морфологик кўриниш билан эхографик белгилар комплексини қиёсладик. У жарроҳлик йўли билан даволанган 200 та болада (гангреноз-перфоратив шакли ва ЎА асоратлари бўлган болалар гуруҳи текширувларга киритилмаган) олинган морфологик ва эхографик маълумотларнинг қўшма таҳлили натижалари ҳисобланади (1-расмга қаралсин).



**Ўзгармаган
чувалчангсимон
ўсимта**

**Инфильтрация
фазаси**

**Экссудация
фазаси**

**Деструкция
фазаси**

1-расм. Болалардаги ўткир аппендицитнинг яллиғланиш жараёнини ривожланиш босқичларига кўра эхографик кўринишлари

Келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, ўткир аппендицитнинг турли фазаларида олинган эхографик маълумотлар, нафақат макроскопик тасвир ва патоморфологик ўзгаришлар билан қиёсланади. У инфильтратив фазадан экссудатив фазага, чувалчангсимон ўсимта девори қаватланишининг ортиши ва томир тасвири кучайиши каби, ривожланаётган яллиғланишга жавобан вужудга келувчи белгилар билан кузатиладиган касаллик кечишининг клиник ва морфологик тасвирини тўлдирлади. Аппендицитнинг

флегманоз ва гангреноз шаклларида эхографик семиотика касалликнинг клиник ва лаборатор тасвиридан 6-12 соат олдинда юради.

Диссертациянинг «**Болаларда ўткир аппендицит ва унинг асоратларини комплекс ультратовуш ташхисоти натижалари**» деб номланган тўртинчи бобда болаларда ўткир аппендицит ва унинг асоратларини морфологик верификация билан комплекс эхография натижалари келтирилган.

Болаларда ўткир асоратланмаган аппендицитда чувалчангсимон ўсимта комплекс эхографияси. Ушбу бўлимда биз шахсий клиник-эхографик кузатувлар тажрибаси ва ЎАнинг тасдиқловчи ташхисотини яхшилаш йўллари режалашни ёритиб беришга ҳаракат қилдик. Чў ўткир аппендицитининг катарал шаклини фақат 11 (61,1%) ҳолатда визуализация қилиш имкони бўлди. Ўткир катарал аппендицитда (2 гуруҳ) Чў ўзгаришларини визуализация қилиш имкониятини бевосита эхографик белгиларга киритдик. У краниокаудал проекция текширувидаги эхограммада найсимон структура кўринишида акс этди.


Ўткир яллиғланиш ривожланишида кўричакдан чиқувчи визуализацияланаётган ўсимтада, ўзгармаган Чў дан фарқли равишда, перистальтик ҳаракатлар аниқланмади. Кейинги муҳим белги ўсимта кенглигининг 6 ммдан (бизнинг кузатувларда $6,87 \pm 0,23$ ммгача) қалин бўлиши ҳамда шу билан бирга унинг қалинлигининг $2,73 \pm 0,19$ ммдан ортиши ҳисобланди, бунда деворининг қаватлари сақланган бўлади. Аъзо юзаси контурларининг яққол аниқланиши биз эътибор қаратган белгилардан бири бўлди. Яллиғланиш жараёнининг биринчи соатларида Чў атрофида шиш-қавариш кузатилиши Чўнинг визуализацияланувчи юзасида контраст ҳосил қилади. Визуализацияланувчи соҳага датчик билан маҳаллий компрессия қилинганда ўсимтанинг ригидлигини кузатдик, бу эса ЎАнинг билвосита белгиларидан бири бўлиб ҳисобланди. Ингичка ичак терминал қисмида перистальтика сусайиши ЎА катарал шаклининг билвосита белгиси бўлиб хизмат қилди. Фақат 9 (81,8%) ҳолатдагина РДК ва ЭДда томир тасвири кучайиши аниқланди, бу белгилар клиник белгилар пайдо бўлишининг биринчи 6 соатида ҳар доим ҳам қайд этилмади.

«Флегмоноз аппендицит» деб (3-гуруҳ) тасдиқланган ташхиси кўйилган болаларнинг 130 тасида аниқланиб, 92,9%ни ташкил этди, бу гуруҳнинг 9,7%да аппендикс визуализацияланмади, бу Чў нинг атипик жойлашуви билан боғлиқ бўлди.

Флегмоноз аппендицит Чў диаметрининг ортиши ($9,55 \pm 1,11$ ммгача) ва деворининг $4,5 \pm 0,5$ ммгача қалинлашиши билан характерланди. Чў қаватланишининг пайдо бўлиши билан шиллиқ қават, мушак қавати ва сероз қават орасидаги контраст кучайиб борди. Ўсимта бўшлиғида анэхоген таркиб визуализацияланди. Бу айниқса Чўнинг копролит билан блоккланишида яққол ифодаланди. Компрессия пайтида Чўнинг яққол ифодаланган ригидлиги аниқланди.



Касалликнинг бу шаклида қоринёғ билан ё/ёки ингичка ичак қовузлоғи билан битишма борлиги билвосита белги ҳисобланди. Баъзи ҳолларда (56

кузатув), эхографик визуализацияда, яллиғланган ЧЎ орқасида чегараланган юқори эхогенликдаги соҳа кўринишида ичактутқич инфильтрацияси акс этади. ЧЎ атрофида суюқлик йиғилиши флегманоз аппендицитнинг муҳим белгиларидан ҳисобланади. Рангли ва энергетик доплер режимида ЧЎнинг деворичи қон оқими кўп сонли рангли мозаика кўринишида акс этди (2-расмга қаранг).



2-расм. Бемор А., 12 ёш. В-режим (А), РДК (Б) режимида флегмоноз аппендицитнинг бўйлама ва кўндаланг (В) сканерланган эхотомограммалари. А. ЧЎ деворининг кўп қаватлилиги, шиллик қават, мушак қавати ва сероз қават орасидаги контраст. Б. «Рангли йўлакчалар» кўринишида томир тасвири кучайиши. В. Кўндаланг кесимдаги «нишон» белгисининг кшриниш. Г. Эхографик ташхисни тасдиқловчи интраоперацион сурат.

Гангреноз аппендицитда чувалчангсимон ўсимта визуализацияси ёмонлашади. «гангреноз аппендицит» (4-гурух) тасдиқланган ташхиси кўйилган болалар гуруҳида чувалчангсимон ўсимта 32 (84,2%) та ҳолатда визуализацияланди. ЎАнинг гангреноз шакли аввало бирор соҳада девор бутунлигининг бузилиши ҳамда кўричак гумбазининг яллиғланиб қалинлашиши билан характерланди. Бу ҳолатларда ЧЎ девори қаватлари деярли фарқланмайди ҳамда алоҳида соҳаларда кўринади. Бунда визуализацияланувчи соҳада ўсимта қалинлиги $10,6 \pm 1,15$ ммдан ошади. Деворининг қалинлиги эса $4,8 \pm 0,15$ ммдан ошади (3-расмга қаранг).



3-расм. Бемор Ш., 15 ёш. В-режимда (А) ўткир гангреноз аппендицитнинг бўйлама сканерланган эхограммаси. Интраоперацион сурат (Б). А. Девор қаватлари фарқланмайди, аралаш эхогенлик. Б. Эхографик ташхисни тасдиқловчи интраоперацион сурат.

Эхограммаларда барча қаватлардаги деструктив ўзгаришлар ажойиб тасвир кўринишида, дегенератив-деструктив ўзгаришлар ривожланишига боғлиқ равишда изоэхоген ва гиперэхоген соҳалар тутувчи гипоэхоген соҳаларни ўз ичига олади. Чў комперссиясида унинг тўлиқ ригидлиги кузатилди. Флегманоз шаклидан фарқли ўлароқ, суюқлик йиғилиши салмоқли даражада бўлиб, қорин бўшлиғи чўнтаклари ва чанок бўшлиғига тарқалган эди. Гангреноз яллиғланиш босқичида Чў визуализациясининг бирор бир ҳолатида перистальтик ҳаракатлар қайд этилмади.

ГАнинг 86,8% ҳолатида ичактуткич ва қоринёғда ўзгаришлар аниқланди. Ўсимтанинг жойлашув проекциясида қоринпарда варақларининг ажралиши ва уларда суюқлик йиғилиши кузатилди. Допплерографик текширувда флегманоз ЎАдаги каби томир тасвири кўринмади.

Препаратлардаги микроскопик ўзгаришлар барча болаларда ўткир аппендицитга мос келди ҳамда олинган маълумотлар асосида ўткир аппендицитнинг бевосита ва билвосита эхографик белгилари тизимлаштирилди (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал

Болаларда ўткир аппендицит ва унинг асоратларини эхографик белгилари

| Болаларда ЎАнинг бевосита эхографик белгилари | Болаларда ЎАнинг билвосита эхографик белгилари |
|---|--|
| Чў диаметрининг 6 мм дан ортиши | Яллиғланиш жараёнининг атроф ёғ тўқимага ўтиши |
| Деворнинг қалинлашиши | Қорин бўшлиғида эркин суюқлик мавжудлиги |
| Девор қаватлилигини баҳолаш | Ичак перистальтикасининг сусайиши |
| Дозаланган компрессияда девор ригидлиги | Асосан перпендикуляр қон оқими қайд этилиши |
| РДК ва ЭД да Чў қон оқимини баҳолаш | |

Шундай қилиб, биз ЎАнинг асосий эхографик кўрсаткичларини тақдим этдик (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал

Текширув гуруҳларидаги ЧЎ нинг асосий эхографик кўрсаткичлари (M±m)

| Белгилар | Назорат n=52 | Катарал аппендицит n=18 | Флегмоноз аппендицит n=144 | Гангреноз аппендицит n=38 |
|--------------------------------|-----------------|-------------------------------|----------------------------------|---------------------------------|
| ЧЎ диаметри, мм | 2,63±0,08 | 6,87±0,23* | 9,55±1,11*^ | 10,6±1,15*^# |
| ЧЎ деворининг қалинлиги, мм | 1,55±0,06 | 2,73±0,19** | 4,5±0,5*^ | 4,8±0,15*^## |

Эслатма: назорат гуруҳига нисбатан фарқлар аниқлиги* - $p < 0,001$; ** - $p < 0,002$; 2 гуруҳга нисбатан фарқлар аниқлиги- ^ - $p < 0,001$; 3 гуруҳга нисбатан фарқлар аниқлиги # - $p < 0,001$, ## - $p < 0,05$.

Асоратланмаган аппендицит эхограммаларида ингичка ва кўричак томонидан ўзгаришлар кузатилмади. Датчик билан компрессия қилинганда ўсимта ригидлиги мавжуд эди. Датчик кўндалангига қўйилганда «кокарда» ёки «нишон» белгиси аниқланди.

ЎА бўйича ўтказилган эхографияда кўпинча яллиғланиш жараёнига кўричак (тифлит) кўшилади. Илеит ультратовуш текширувида ингичка ичакни чувалчангсимон ўсимта ёнидаги дистал қисми деворининг қалинлашиши билан намоён бўлади. Девор қаватлари ҳамма вақт ҳам кўринмайди. Ичак бўшлиғи кенгайган (2,6 ммгача), таркиби анэхоген бўлади. Ёндош ичак қовузлоқларида газ бўлиши визуализацияни қийинлаштиради. 37,4% болаларда ичак деворининг қалинлашиши ва илеоцекал бурчакда контрастлик ортиши аниқланди.

ЎА бўлган болаларда ультратовуш текширувида катталашган гипоехоген лимфатик тугунлар аниқланади (47% кузатувларда - флегмоноз ва гангреноз шаклларда). Улар контури аниқ, текис, гипоехоген бир жинсли таркибли, овал ҳосилалар бўлиб, ўсимтанинг ичактутқичида жойлашган.

Болаларда асоратланган ўткир аппендицитда чувалчангсимон ўсимта комплекс эхографияси. Бизнинг текширувимизда ЎАнинг кўп учрайдиган асоратларидан аппендикуляр абсцесслар - 6 (2,5%), аппендикуляр инфилтратлар - 3 (1,27%) ва перитонитлар - 46 (19,5%) та ҳолатда учради.

Аппендикуляр инфилтрат клиник кўриниши касалликнинг 3-5 суткасида ривожланади.

